

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 38 (5629).
14 ФЕВРАЛЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

«ҲАЁТ ЙЎЛИДА ЮЗЛАР ДАЪВАТИ» АРГЕНТИНА ҲАРАКАТИНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко номига Аргентинадаги «Ҳаёт йўлида юзлар даъвати» ҳаракатидан мурожаатнома тушди.

Бу ҳаракат Аргентинанинг юз нафар таниқли сийosat, жамоат, маданият ва дин арбоблари ташаббуси билан 1984 йил майда тузилган эди, мазкур арбоблар қабул этилган программага мувофиқ, ядро ҳалокатининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида инсон.

Мухтарам жаноблар! Йўллаган Мурожаатномагиз учун Сизларга ташаккур. Бу ҳужжатда Аргентина, Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатлар халқларининг кучайиб бораётган ядро уруши хавфидан бизга мутлақо тушунарли бўлган ҳавотирлиги ифода қилинган. Аргентина халқининг онги ва виждони Сизларни асосий умумбашарий ҳуқуқ—яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга ундаётганлигини ёзиб қолди. Бу мутлақо совет кишиларининг ҳис-туғиуларига зиддир. Давлатларнинг ҳалқаро майдондаги бутун фаолияти шу мутлақо руҳ билан сугорилган.

Совет Иттифоқи ядро қуроллини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олганини Сизлар билдирганга қарамай, шу ижобий позицияни БМТга аъзо бўлган жуда кўпчилик давлатлар, жумладан, Бош Ассамблеянинг сўнги сессиясида маъқуллади. Биз АҚШга ва бошқа ядро қу-

парварлик, тинчликсеварлик муддаоларига амал қилди. Мамлакатнинг турли сийosat партиялари, етакчи касба-союзлари, энг катта университетлари, жамоат ва ёшлар ташкилотлари бу ҳаракатга коллектив аъзо бўлиб қўшилди.

Қуйида Аргентинадаги «Ҳаёт йўлида юзлар даъвати» ҳаракати раҳбарларининг Мурожаатномасига Константин Устинович Черненко жавобининг тексти берилмоқда.

ролига эга давлатларга ҳам ўз зиммасига шундай мажбурият олишларини тақдир қилдик. Аммо бизнинг қатъийат билан қилган даъватимиз ҳамон жавобсиз қолмоқда. Сизлар НАТОнинг ҳарбий стратегияси биринчи бўлиб ядро зарбаси уруши имкониятини назарда тутишни билсангиз керак. Ядро қуроллини ишлатилиши нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб бориши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Биз, Совет Иттифоқидаги давлатлар ўртасидаги бошқа ҳар қандай низола ва можаролар каби турли социал системада ўртасидаги тарихий баҳс ҳам, айниқса, ҳозирги оммавий қирғин қурол билан тўлиб-тошиб кетган дунёда фақат тинчлик йўли билан ҳал этилиши мумкин ва лозимлига қатъий ишонамиз. Бизнинг принципиал позициямиз мана шундан иборат. Ядро уруши инсоният учун ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқаради. Ҳарбий ҳуқуқрон доиралари

ган Совет—Америка учрашувининг якуналарини ижобий баҳолаймиз, унда СССР билан АҚШ ўртасида космос, ядро стратегик қуроллари ва ўртача олисликка учирадиган ядро қуроллари юзасидан музокаралар ўтказиш тўғрисида аҳдлашиб олинди. Музокараларда ядро қуроллари билан космик қуроллар масалалари узвий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этилиши принциплар жиддатан муҳимдир. Биз шундай қилинишни қатъийат билан талаб эта-миз, чунки космоснинг ҳарбийлаштирилиши, «самовий урушлар» режалари ҳамма жаҳонлар буйлаб назоратсиз қуролланиш пайғасига туртки берган бўлур эди, қуролланиш пайғасини чеклаш тўғрисида ҳозир амалда бўлган бир қанча муҳим битимларни иттибиб юборган бўлур эди. Инсониятнинг ҳаётини манфаатлари космосдан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланилиши талаб қилади.

Пировардида шунини таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳозирги таҳлика қунарда тинчликнинг тақдир халқларнинг хоҳиш-иродасига ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ, деган таъкиддан ўтган ҳақиқат янада равшан бўлиб қолмоқда. Ҳозир халқлар ядро аналари қатъий қилиб «Йўқ» дейишлари, талабнамо қуролланиш пайғасини тўхтатишлари ҳам мумкин, ҳам лозим. Цивилизацияни ва Ер юзидagi ҳаётнинг ўзини ҳимоя қилиш учун қурашдек оқилона ва зарур йўлда Сизларнинг ҳаракатингизга муваффақиятлар тийилган.

Эҳтиром билан,
К. ЧЕРНЕНКО.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети Тошкент мотор заводи қурилишида қатнашаётган коллективларнинг 1984 йилги социалистик мусобақаси якуналарини кўриб қолдик.

Қуйидаги коллективлар ғолиб деб топилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг кўмаги билан тақдирланиб, уларга пуд мукофотлари берилди:

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлигига қарашли «Промжилводстрой» трести. Бу трест бош пудрат ишлари бўйича 1984 йилги плани 100,2 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 101,1 процент бажарган;
«Главлташкентстрой»га қарашли 3-қурилиш трестининг 16-қурилиш бошқармаси.

Бу қурилиш бошқармаси 1984 йилги қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича план-топшириқни 130,5 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш план-топшириқини 122,8 процент бажарган.
1984 йилда Тошкент мотор заводи объектлари қурилишига материал ресурсларининг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаган Ўзбекистон ССР Госснаб ташкилотларининг яхши ишлаганлиги қайд этилди.



КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН



Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тобора яқинлашмоқда. Меҳнат коллективлари ўзларининг энг яхши ҳамкасбларининг ҳўрат ва эътиборига сазовор бўлган вакилларнинг коммунист ва партиясизлар бўзилмас блокига номзод қилиб кўрсатмоқда.

Гулнора Тошматова, нинг «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлаётганига санкиз йил бўлди. Ана шу вақт кўндал у ўз икхтисосининг пухта ўзлаштириб олди. Ҳозир смена топшириқларини мунтазам 20—30 процент ортгани билан адо этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот топширмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори ўз тажрибаларини ёшлар билан сидқидилан ўртоқлашади. Ҳозир ишлаб чиқариш илғори 1986 йил ҳисоби-га меҳнат қилапти.

Бирлашма коллектив меҳнатдаги муваффақиятлари, актив жамоатчилик фаолияти учун Г. Тошматовани халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. СУРАТДА: Г. Тошматова.



Депутатликка номзодлар билан учрашувлар

Республиканинг сайлов округларида сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари юксак сийosat активлик ваъзиятида ўтмоқда.

Учрашувларда сўзга чиқайтган жамоатчилик вакиллари ленинча миллий сийosatнинг буюк ҳаётли кучи тўғрисида, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳўш-ақилликни таъминлаш, сайловчиларнинг сайлов кўрсаткичлари билан партиясизлар бўзилмас блокнинг номзодлари учун аҳил-

лик билан овоз беришга чакирмоқдалар. Сайловта тайёргарлик, деб ўтиришмоқда нотиклар. Ўн биринчи беш йиллик якуналарини йили ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бакарши учун, КПСС XXVII съездини ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун

умумхалқ қурашини авж олдириб юбориш белгиси остида ўтмоқда.

Тошкент шаҳридаги 52-Красноармейск сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод — икхн марта Совет Иттифоқи Ҳахромони Владимир Александрович Жонбеков билан учрашдилар.

Депутатликка номзодлар кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга қизгин миннатдорчилик изҳор қилдилар ва бу ишончнинг ўзини билан бутун амалий ишимиз билан оқлаймиз, деб ваъда бердилар.

(ЎЗАТ).

ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ

Акмал Икромов 38-сайлов округидаги агитпункти 75-ўрта мактаб биносига жойлашган. Агитпунктининг шинам

эрида сайловчилар клуби, юрист бурчаги, ёш сайловчилар бурчаги ташкил этилган бўлиб, район юридик консултацияси да н келган тажрибали юристлар сайловчиларга консултациялар беришляпти. Агитпункт қўшида кутубхона ҳам ишлаб турибди.

— Биз билан, «Совет турмуш тарзи», «Ўзбекистон ССР—60 ёши» каби стендлар билан сайловчилар кўп нарсани билиб оладилар. Сайлов участкамида 1700 сайловчи истиқомат қилади. Ўттиз агитатор ўзларига бириктирилган участкаларда бўлиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Кўн кеча агитпунктда «Совет сайлов системасининг афзалликлари» мавзуда суҳбат уюштирдик, — дейди агитпункт мудири Н. Усмонова. — Бу ишларни амалга оширишда Н. Солиқова, М. Зохидова, М. Тоҳирова каби тажрибали агитаторлар айниқса фаол иш олиб боришляпти.

М. АҚРОВА.

— тоңғу — газеталарга

● Революция ва меҳнат анъаналарига бой, замонавий жўшқин ҳаёт қайнаган Олтой ўлкасининг кенгликларида қудратли бунёдкорлик мароми ҳўк сўрмоқда. Беш йилликни зарбдорларча тугаллаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қўл оч ёймоқда. 13 февраль кўни Барнаулда Марказий сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сийosat бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Геидар Алиев билан ўтказилган учрашувда ана шулар ҳақида гапирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётшуносининг ва адабий-бадий танқидни ривожлантиришдаги хизматлари, республикада маданият кадрларини тайёрлашда актив иштирок этишгани учун Ҳамза Ҳакимзода Нисзий номдаги Санъатшунослик институтининг директори ўртоқ Ҳафиз Шоаҳмедович Абдусаматовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотлади.

• ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА



Бутуниттифок социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, СССРни иттиқодий ва социал ривожлантириш 1984 йилги Давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Сергели ошхона мебели ва бошқа мебеллар заводи коллективни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўмаги билан тақдирланди. Корхона меҳнаткўшлари ана шундай юксак мукофотга ҳақли равишда иккинчи марта сазовор бўлмоқдалар.

Республикамиз юбилей йилида мебелсозлар халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш, унинг сийosatини яхшилаш учун изчил кураш олиб бордилар. Натижада ўтган йили топшириққа қўшимча равишда 763 минг сўмлик мебеллар ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги 2,6 процентга ошди. Шу нарса диққат-

га сазоворини, жами маҳсулотнинг 44,9 проценти давлат Сийosat белгиси билан тайёрланди. «Салют» мебели, ошхона мебеллар туркуми, китоб жавонларини тардорлар севиб харид қилишад.

Коллективда авж олётган социалистик мусобақада Ҳ. Йўлдошев, В. Винокуров, Э. Ҳайдаров, Г. Соғитдинов бригадалари пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: дастгоҳ оператори комсомол аъзоси Алиса Неклюмова; энг яхши бригада етакчиларидан номмунистик меҳнат зарбдори Эркин Ҳайдаров дастгоҳчи-дурдорлар Т. Эрнзаров ва В. Королев билан.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотоси.

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ



ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари машиноасозликнинг турли соҳаларида тадбиқ этиш мақсадида таҳсилдорлар гуруҳларини кўп асбобларда қайта ишлаш учун икхтисослашган станокни яратдилар. Бу янгиллик «Компрессор» заводида тадбиқ этилмоқда. Ускуна йилга 34 минг сўмга яқин икхтисодий фойда беради.

«Ўзбексельмаш» заводида кўрак чўвидагидан цехини техникавий жиҳозлантириш мақсадида механизациялашган конвейерни монтаж қилиш бошланди. Бу «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган. Янги конвейер ишчиларнинг меҳнат шарафтини яхшилади, машиналар ҳамда узеллар йнги сийosatини такомиллаштирди.

Тошкент саяҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун Россияда 1905—1907 йиллар революцияси билан боғлиқ бўлган шахримиздаги тарихий жойлар бўйлаб анйрат ўтказишни бошлади. Экскурсоводчилар анйрат чоғида Тошкент пролетариятининг шаклланиши, Туркистонда икхтисодий ҳаракатининг туғилиши ҳақида гапириб бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш музейида «Улуг Ватан уруши йилларида ўзбек ҳарбий медицинаси» деб номланган экспозиция тайёрланди. У Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бўлиб, СССР Халқ Ҳўжалиги Йўтуқлари виставкасининг соғлиқни сақлаш павильонида намойиш этилади.

ОБҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 5 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 2—4, эртага кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

• ШАРҲЧИ САТРАЛАРИ ВЕЛЛИНГТОННИ КАМАЛ ҚИЛМОҚДАЛАР

Қўшма Штатлар маъмурияти суверен давлатлар ва халқларнинг ҳўқуқлари ва икхтисодий оқибат-оқибат назар-ни-санд қилмаптир. Вашингтон Янги Зеландия лейбористлар янги ҳўқуқимати шўнага қилаётган дағдағалар бунинг яна бир яққол мисолидир. Бу мамлакат ўз территорияларини

портларига ичида ядро қурол билан ёки атом дағдағалар қурилмалари билан таъминланган ҳўқуқимати шўнага қилаётган дағдағалар бунинг яна бир яққол мисолидир. Бу мамлакат ўз территорияларини

вофиқ қабул қилинган эди. Шундай зонани аўдугда келтириш эса Пентагоннинг ядро бандлиги бўлишни истаётган халқларнинг тўб манфаатларига мосдир. Бош министр Д. Лонги ҳўқуқиматининг ядро ракета-сияси қарши қатъий позицияси Вашингтоннинг Тинч океани ҳавзасидаги милитаристик уришчи-

рига жиддий зарба берди. Америка стратеглари региондаги бошқа мамлакатлар ҳам Янги Зеландиядан ўрнак олиши мумкинлигини аниқламоқдалар. Бу регионда кейинги вақтда шу мамлакатлар территорияларида Пентагоннинг ядро плацдармлари сийosatида фойдаланишга қарши чиқилар кўчармоқда.

Шунинг учун ҳам мада крим йилдириқ, АҚШ Веллингтонни сийosat қилмоқда. Дастлаб унинг ўз айтганларига кўн, диришга уриниб кўрдилар, бу нарса беҳуда бўлиб қикандан кейин эса уни таъсир кўрсатишнинг қсамарали қоралари кўрдилад, деб кўрсаткичи бўлдилар. АҚШ мудоффа министри К.

Уайнбергер сурбетлик билан ядродан ҳўли бўлиш сийosatи «Янги Зеландия» қимматга тушди» деб таъкидлади. Янгида Веллингтон Американинг ядро қурол билан таъминланган линкорининг бу ерга келишига розилик берини тўғрисидаги талабларига икки марта рад жавобини бергандан кейин Оқ ўй бу мамлакатга нисбатан қатъий қоралар кўриш ниятида эканлигини билдирди. Бундай қоралар орасида бу мамлакатни АҚШ,

Австралия ва Янги Зеландияни бирлаштирувчи АНЗЮС ҳарбий блокидан чиқариш ҳам кўзда тутилган. Веллингтон гўё бу блокдан ташқарида «ташки ҳавф»дан ҳимоясиз бўлиб қолар эмиш. Янги Зеландияни мамлакатнинг аънаваний экспорт маҳсулотлари — кўй гўшти ва жўнини АҚШга экспорт қилишда энг қулай шараитга эга бўлиш ҳўқуқидан ҳам маҳрум этиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари Вашингтон ҳозир даёқ АНЗЮС блокига

аъзо бўлган мамлакатлар иштирокида ҳарбий машқлар ўтказиш тўғрисидаги қерорини бекор қилди. Бироқ Янги Зеландия АҚШнинг дўқ-нўписи ва кўпол таъқиқини яна кескин рад этди. Бош министр Д. Лонги кўнинг ҳўқуқимати Қўшма Штатларнинг таъқиқига бўйсунмаслигини таъкидлади. Американинг Веллингтонни қамал қилиши давом этмоқда.

А. ПОПОВ.
(ТАСС).

